



КАПИТАЛ БОЗОРИДА КОРПОРАТИВ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР МУОМАЛАСИ ВА УНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДАГИ ЎРНИ

Отахонова Шоҳёра Хамидуллахон қизи

Тошкент молия институтининг "Корпоратив молия ва қимматли қоғозлар" кафедраси доценти

email: otaxonovashohyora2023@gmail.com

ARTICLE INFORMATION

Volume: 1

Issue: 5

DOI: https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss5/a18

ABSTRACT

Мақолада капитал бозорида корпоратив қимматли қоғозлар муомаласи ва унинг миллий иқтисодиётдаги ўрни, ривожланиш ҳолати бўйича таҳлиллар келтирилган. Шунингдек, халқаро капитал бозорида акция ва облигациялар савдоси бўйича таҳлилий маълумотлар кўрсатилиб ўтилган. Ушбу мақоланинг мақсади миллий капитал бозорида акциялар савдосининг ҳолати ва даражасини аниқлаш ҳамда фаолиятни самарали ташкил этишда фонд биржаларидан талаб этиладиган тадбирларни аниқлашдан иборат. Ушбу қўйилган мақсадларга эришиш йўлида муаллиф томонидан тадқиқотлар амалга оширилган ва натижаларга эришилган.

KEYWORDS

"Капитал бозори", "корпоратив қимматли қоғозлар", "акция", "облигация", "ҳосилавий қимматли қоғозлар", "фонд бозори", "фьючерс", "форвард", "своп", "опцион", "бозор капиталлашуви", "молиявий технология", "молиявий ресурслар".

Кирриш (Introduction/Введение)

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда капитал бозори муҳим аҳамият касб этиб, уни ривожланиши соҳаларга хорижий инвестицияларни олиб киришда ва тармоқларни ривожлантиришда асосий омил ҳисобланади. Қимматли қоғозлар саноати ва молия бозорлари ассоциациясининг берган маълумотларига кўра, 2022 йилда глобал капитал бозорида фоизи белгиланган қимматли қоғозлар 129,8 трлн. АҚШ долларини, акциялар бўйича бозор капиталлашуви эса 101,2 трлн. АҚШ долларини ташкил этган[1]. Шунингдек, АҚШ корпоратив қимматли қоғозлар бозори ўзининг кўлами ва молиявий инструментлар ҳажми бўйича йирик ҳисобланиб, биргина АҚШда йирик фонд биржалардан бири ҳисобланган - NYSE бозор сифати кўрсаткичлари таҳлил этилганда, бозорнинг энг катта улуши ва ликвидлиги бўйича - 23,6 фозни, энг яхши нархларда котировка қилиш бўйича - 45,0 фозлик баҳолаш кўрсаткичларига эришилган[2].

Республикаимизда капитал бозори, хусусан, акциялар бозори бўйича расмий маълумотларда 2022 йилнинг ўтган даврида биржа савдоларида иштирок этувчи юридик шахслар томонидан 4042,69 млрд сўмлик акциялар сотилган ва 4365,42 млрд сўмлик харидлар амалга оширилган. Шу билан бирга, жисмоний шахслар томонидан 773,52 млрд сўмлик акциялар сотилган ва 451,79 млрд сўмга сотиб олинган[3]. Ушбу кўрсаткичлар миллий капитал бозоримизда янада ривожланиш имкониятлари борлигини яъни салоҳият юқорилигини эътироф этиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 миллион АҚШ долларидан 7 миллиард АҚШ долларига етказиш, мамлакатимизда капитал ҳаракатини босқичма-босқич эркинлаштириш ҳамда йирик корхоналарни ва улардаги улушларни (акцияларни), шу жумладан фонд биржаси орқали хусусийлаштириш, давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини якунлаб, 2026-йил якунига қадар банк

активларида хусусий сектор улушини 60 фоизгача етказиш, капитал бозори инфратузилмасини ривожлантириш, давлат қимматли қоғозлари бозорини ривожлантириш, молиявий савдохонликни ҳамда капитал бозори иштирокчиларининг малакасини ошириш каби вазифалар белгилаб олинган[4]. Ушбу жиҳатларни инобатга олганда, капитал бозорида корпоратив қимматли қоғозлар муомаласини самарали ташкил этиш ҳамда савдолар ҳажмини ошириш орқали миллий иқтисодиётни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади ва ушбу йўналишларда кенг қамровли илмий тадқиқот ўтказиш лозимдир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ҳозирги кунда капитал бозорида корпоратив қимматли қоғозлар муомаласи ва унинг миллий иқтисодиётдаги ўрни, савдоларни самарали ташкил этиш, хорижий ва маҳаллий инвесторларни кенг жалб этиш, капитал бозорида молиявий инструментлар салмоғини кўпайтириш масалалари бўйича иқтисодчилар соҳасидаги олимлар илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, хорижлик иқтисодчи олимлардан Ping Zhang, Yezhou Sha, Yu Wang, Tewe Wang ўзларининг "Capital market opening and stock price crash risk – Evidence from the Shanghai-Hong Kong stock connect and the Shenzhen-Hong Kong stock connect"[5] номли илмий тадқиқотларида акциялар бозори савдоларида фонд биржалар ўртасидаги муносабатларни кўриб чиққанлар.

Худудлараро капитал бозорида ягон валюта тизимини жорий этишнинг ижобий ва салбий жиҳатларини Joseba Martinez, Thomas Philippon, Markus Sihvonen "Does a currency union need a capital market union?" номли тадқиқотларида кўрсатиб ўтганлар[6].

Иқтисодчи олимлардан Gen-Fu Feng, Peng Niu, Jun-Zhuo Wang, Jian Liulap "Capital market liberalization and green innovation for sustainability: Evidence from China" номли илмий тадқиқотларида капитал бозорини либераллаштириш ва унга яшил инновацияларни олиб кириш орқали миллий иқтисодиётни ривожлантириш йўналишларини таҳлил этганлар.

Хорижлик иқтисодчи олимлардан Luiz Ricardo Kabbach-de-Castro, Guilherme Kirch, Rafael Mattalar ўзларининг “Do internal capital markets in business groups mitigate firms' financial constraints?” номли илмий тадқиқотларда маҳаллий капитал бозорининг бизнес субъектларига таъсирини ва уни ривожлантириш масалаларини қайд этиб ўтганлар[7].

COVID-19 глобал пандемиясини капитал бозоридаги операцияларга ҳамда хорижий инвестициялар оқимига таъсирини иқтисодиётчи олим Sangwon Lee “Internal capital markets, corporate investment, and the COVID-19 pandemic: Evidence from Korean business groups” номли илмий тадқиқотларида ўрганиб чиққан[8].

Хорижлик иқтисодиёт соҳаси вакилларида Kazi Sohag, Tomas Klietk, S.M. Riad Shams, Oleg Mariev, Natalia Davidson ўзларининг “Capital market deepening, Governor's characteristics and Russian regional enterprises: A big data analysis” номли тадқиқотларида Россия капитал бозори жорий ҳолати ва истикболлари бўйича таҳлилларни амалга оширганлар[9].

Маҳаллий капитал бозорида жараёнларни башорат қилиш ва унга таъсир этувчи омилларни таҳлил этиш бўйича иқтисодчилардан Ran Chang, Angelica Gonzalez, Sergei Sarkissian, T.Junларнинг “Internal capital markets and predictability in complex ownership firms” номли тадқиқотларини эътироф этсак бўлади[10].

Капитал бозорида муниципал облигацияларни аҳамияти бўйича иқтисодчи олим Natee Amornsiripantichning “The real effects of municipal bond insurance market disruptions” номли илмий тадқиқотида назарий-амалий таҳлиллар акс этган[11].

Юртимиз иқтисодчи олимларидан Ф.Т.Мухамедовнинг илмий тадқиқотларида капитал бозорида савдо тизимларини самарали ташкил этиш ҳамда ушбу жараёнларни молиявий глобаллашувдаги аҳамиятини кўрсатиб ўтилган[12].

Капитал бозорида дивиденд сиёсатининг иқтисодий аҳамияти бўйича иқтисодчи олимлардан С.Э.Элмирзаев[13] илмий изланишлар олиб бориб, акциялар бозорида мунтазам равишда дивиденд тўлаб бориш компания бозор баҳосини оширади деган фикрга келган.

Инфраструктура облигациялар орқали капитал бозорида хорижий инвестицияларни олиб кириш масаласи юзасидан иқтисодчи олимлардан Н.Шавкатов, М.Рахмедова, У.Бозоров[14] назарий-амалий тадқиқотлар олиб борганлар.

Капитал бозорида аҳолининг иштироки бўйича иқтисодчи олим А.И.Каримов илмий тадқиқотлар олиб бориб, капитал бозорида мобил иловаларни яратилиши акциялар савдосини ошишига олиб келишини таҳлиллар асосида кўрсатиб ўтган[15], [16].

Халқаро IPO амалиётлари таҳлили: ташкилий хусусиятлари ва институционал инвесторлар иштироки юзасидан иқтисодчилардан Ж.Қурбонов, С.Омонов [17] назарий тадқиқотларни амалга оширганлар.

Банкларнинг капитал бозоридаги иштироки бўйича иқтисодчи оlima Д.К.Абдурахимова илмий изланишлар олиб бориб, банк фаолиятига замонавий молиявий технологияларни кенг қўллаш керак эканлигини таҳлиллар асосида ёритиб берган[18].

Тадқиқотни амалга оширишда фойдаланилган усуллар (Methods/Методы)

Тадқиқотда қўйилган мақсадларни амалга оширишда мантикий ва таркибий таҳлил қилиш, гуруҳлаштириш, иқтисодий-статистик таҳлил, ўзаро ва қиёсий таққослаш усулларида самарали фойдаланилди.

Олинган натижалар (Results/Результаты)

Олиб борилган таҳлиллар натижасида миллий сугурта компанияларида молиявий менежментнинг функцияларидан самарали фойдаланиш орқали фаолият рентабеллигини ошириш кўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга, компанияларда молиявий менежментнинг ривожланишига тўсиқ бўлаётган ҳолатлар ҳамда уларни бартараф этиш йўллари асослаб берилган.

Таҳлиллар (Analysis/Анализ)

Капитал бозорида корпоратив қимматли қоғозлар муомаласи ва унинг миллий иқтисодиётдаги ўрни бўйича таҳлилларни амалга оширишда фонд биржалари алоҳида ўринга эгадир. Фонд биржалари корпоратив қимматли қоғозларни бирламчи ва иккиламчи савдолари учун зарур шароит яратиб берувчи маскан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, биржа — олдиндан белгиланган жой ва муайян вақтда, белгиланган қоидалар асосида биржа

савдоларини ташкил этувчи юридик шахс. Биржалар фақат акциядорлик жамиятлари шаклида ташкил этилади. Биржалар ўз фаолиятини товар-хом ашё, фонд ва валюта биржаси турида амалга оширади[19]. Фонд биржаларида акциядорлик жамиятлари ҳамда масъулияти чекланган жамиятларининг корпоратив қимматли қоғозлари савдоси амалга оширилади. Амалиётда қуйидаги турдаги корпоратив қимматли қоғозлар мавжуддир(1-расм).

1-расм маълумотларида корпоратив қимматли қоғозларнинг



1-расм. Корпоратив қимматли қоғозлар турлари[3]

турлари кўрсатилган бўлиб, миллий фонд бозоримизда акциялар савдоси ҳозирги кунда ривожланмоқда. Акциялар уллуши қимматли қоғозлар ҳисобланса, облигация қарз мажбурияти ҳисобланади. Шунингдек, ҳосиллави қимматли қоғозлар базис актив ҳисобига тузиладиган шартномалардир.

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунига кўра:

Акция — ўз эгасининг акциядорлик жамияти фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олишга, акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этишга ва у тугатилганидан кейин қоладиган мол-мулкнинг бир қисмига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи, амал қилиш муддати белгиланмаган, эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғоз;

Облигация — эмиссиявий қимматли қоғоз бўлиб, у облигацияни сакловчининг облигациянинг номинал қийматини ёки бошқа мулккий эквивалентини облигацияни чиқарган шахсдан облигацияда назарда тутилган муддатда олишга, облигациянинг номинал қийматидан қатъий белгиланган фоизни олишга бўлган ҳуқуқини ёхуд бошқа мулккий ҳуқуқларини тасдиқлайди;

Қимматли қоғозларнинг ҳосилалари — ўз эгаларининг бошқа қимматли қоғозларга нисбатан ҳуқуқларини ёки мажбуриятларини тасдиқловчи ва юридик шахслар томонидан опционлар, қимматли қоғозларга доир фьючерслар, депозитар тилхатлар ва бошқа молиявий воситалар тарзида чиқариладиган қимматли қоғозлар[20].

Халқаро амалиётда уллуши корпоратив қимматли қоғозлар



5-расм. 2022-йилнинг 12 ойи учун тузилган битимлар сони ва ҳажми (млрд сўм)[3]

бозори яъни акциялар бозори “stock market” ёки “equity market” номи

билан ифодаланса, облигациялар бозори “bond market” номи билан юрутилади. Корпоратив қимматли қоғозлар бозори ривожланганлиги ва ундаги савдо жараёнлари бўйича АҚШ, Буюк Британия, Япония давлатлари етакчи ўринларда туради. Қуйидаги расмда ушбу мамлакатларда молиявий инструментларнинг савдо улуши бўйича кўрсаткичлар келтирилган (2-расм).

2-расм маълумотларида шунингдек, капитал бозорида акциялар савдосининг улуши бўйича АҚШда 64,5 фоиз, Буюк Британияда 59,3 фоиз, Европа Иттифоқида 55,8 фоиз, Японияда 50,1 фоиз, Хитояда эса 8,3 фоиз бўлган. Шунингдек, облигациялар бозори бўйича энг йирик кўрсаткич Хитойга тегишли бўлиб, 26,3 фоизни ташкил этган.



3-расм маълумотларида дунё бўйича корпоратив тузилмаларнинг янги акциялар чиқариш ҳажми акс эттириб ўтилган бўлиб, 2021 йилда ушбу кўрсаткич 1,1 трлн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2022 йилда 61 фоизга камайган.

Капитал бозорининг ривожланиш даражасини кўрсатувчи кўрсаткичлардан бири сифатида “Умумий бозор капиталлашув” даражасини эътироф этсак бўлади. Иқтисодчилар таъкидлаганидек, “акциялар бозорида бозор капиталлашуви тушунчаси компаниянинг эркин муомаладаги барча акцияларнинг жорий бозор баҳосига кўпайтириш орқали аниқланиб, амалий жиҳатдан компаниянинг бозор баҳоси ҳисобланади. Фонд бозоридаги акциялар савдоси жараёнларида компанияларнинг бозор капиталлашуви муҳим аҳамият эга ҳисобланиб, молиявий технологиялардан самарали фойдаланиш орқали ушбу кўрсаткични ошириш мумкин.”

Ўзбекистон Республикасида фонд биржаси сифатида ўз фаолиятини олиб бораётган “Тошкент” РФБсида акциялар савдолари бўйича бозор капиталлашуви маълумотлари қуйидаги кўрсатилиб ўтилган (4-расм).



4-расм. 2022 йил учун биржа котировкалари варағига киритилган эмитентларнинг умумий бозор капиталлашув. Тўлиқ сўм[3]

4-расм маълумотларида “Тошкент” РФБсида 2022 йил учун биржа котировкалари варағига киритилган эмитентларнинг умумий бозор капиталлашуви кўрсатилиб ўтилган. Хусусан, 2022 йилнинг 20 январь ҳолатига акция эмитентлари 135 тани ва бозор капиталлашув даражаси 55,72 трлн. сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йилнинг 16 декабр ҳолатига жами бозор капиталлашуви 94,38 трлн. сўм бўлган 107 та эмитентлар “Тошкент” РФБсида акциялар бўйича савдоларини кузатишимиз мумкин.


Корпоратив қимматли қоғозлар бозорини ривожланиши бевоқифа унга хорижий ва маҳаллий инвесторларни кенг жалб этиш ҳамда савдо жараёнларини жаддаллаштириш билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу хизматларни инобатга олганда, қуйида “Тошкент”

РФБсида 2022-йилнинг 12 ойи учун тузилган битимлар сони ва ҳажми маълумотлари бериб ўтилган.

5-расм маълумотларида “Тошкент” РФБсида 2022-йилнинг 12 ойи учун тузилган битимлар сони ва ҳажми кўрсатиб ўтилган бўлиб, ҳажм бўйича энг йирик битимлар январ ва декабр ойларига тўғри келмоқда.

5-расм маълумотларида “Тошкент” РФБсида битимлар сони бўйича Топ-10 акциялар бўйича маълумот берилган бўлиб, энг юқори кўрсаткичлар “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖнинг оддий акциялари тегишли ҳисобланади. Кейинги ўринларда “Ҳамкорбанк” АТБ, “Ўзбекистон рангли металл парчалари, чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи” АЖ, “Қизилқумцемент” АЖ ва бошқа компанияларни кўришимиз мумкин.

Капитал бозорини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этиб, иқтисодчилар таъкидлаганидек, капитал бозорининг асосий



6-расм. Битимлар сони бўйича Топ-10 акция[3]

вазифаси сифатида молиявий ресурсларнинг яқиний истеъмолчилари ўртасида жамғармани самарали тақсимлашни таъминлаш масаласи қўйилади. Бу масалани ҳал қилиш ҳам объектив, ҳам субъектив сабабларга кўра мураккаблик касб этади. Чунки молия бозори иштирокчилари манфаатлари бир-бирига қарама-қаршилиги, молиявий мажбуриятларни бажариш бўйича рискларнинг юқорилиги ва бошқа ҳолатлар вазифанинг тўлиқ бажарилишига имкон бермайди. Капитал бозори аҳоли жамғармаларини инвестицияларга айлантиришнинг асосий механизми ҳисобланади, у инвестор ва жамғарувчи манфаатларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлайди[22].

Натижалар интерпретацияси (Discussion/Обсуждение). Ушбу тадқиқотни амалга ошириш давомида қуйидаги саволлар пайдо бўлди ва уларга қуйидагича жавоблар шаклланди: Капитал бозорида молиявий инструментлар савдоси қай даражада? Акциялар бозорининг миллий иқтисодиётдаги ўрни қандай? капитал бозорида корпоратив қимматли қоғозлар муомаласининг йиллик ўсиш даражасига қандай ҳолатлар салбий таъсир кўрсатмоқда? Йиллик ўсишни ошириш учун нималар қилиш керак? Мазкур тадқиқотни амалга ошириш давомида ушбу саволларга асосли жавоблар шакллантирилди.

Мақола бўйича хулоса ва тақлифлар (Conclusions/Заключения)

Капитал бозорида корпоратив қимматли қоғозлар муомаласи ва унинг миллий иқтисодиётдаги ўрни хусусидаги илмий- назарий қарашларни ўрганиш натижаларига асосан:

биринчидан, корпоратив қимматли қоғозлар муомаласи ривожлантиришда ривожланган мамлакатлар тажрибасидан кенг фойдаланиш зарур;

иккинчидан, акциялар бозорида замонавий молиявий технологиялардан фойдаланиш орқали хорижий ва маҳаллий инвесторларни кенг жалб этиш лозим;

учинчидан, капитал бозорида корпоратив қимматли қоғозлар муомаласининг йиллик ўсиш даражаси оширишда фонд биржалари сонини кўпайтириш зарурдир;

тўртинчидан, капитал бозорини ривожлантиришда акциялар бозорида бозор капиталлашуви муҳим аҳамият касб этади.

References:

- <https://www.sifma.org/wp-content/uploads/2022/07/2023-SIFMA-Capital-Markets-Factbook.pdf>
- <https://www.nyse.com/markets/nyse#market-quality>
- “Тошкент” РФБ расмий маълумотлари: www.uzse.uz

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон; 10.02.2023 й., 06/23/21/0085-сон
5. Ping Zhang, Yezhou Sha, Yu Wang, Tewe Wang “Capital market opening and stock price crash risk – Evidence from the Shanghai-Hong Kong stock connect and the Shenzhen-Hong Kong stock connect”, *Pacific-Basin Finance Journal*, Volume 76, 2022, 101864, ISSN 0927-538X, <https://doi.org/10.1016/j.pacfin.2022.101864>. (<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0927538X22001597>)
6. Joseba Martinez, Thomas Philippon, Markus Sihvonen “Does a currency union need a capital market union?” *Journal of International Economics*, Volume 139, 2022, 103675, ISSN 0022-1996, <https://doi.org/10.1016/j.jinteco.2022.103675>. (<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0022199622001076>)
7. Luiz Ricardo Kabbach-de-Castro, Guilherme Kirch, Rafael Matta “Do internal capital markets in business groups mitigate firms' financial constraints?” *Journal of Banking & Finance*, Volume 143, 2022, 106573, ISSN 0378-4266, <https://doi.org/10.1016/j.jbankfin.2022.106573>. (<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0378426622001698>)
8. Sangwon Lee “Internal capital markets, corporate investment, and the COVID-19 pandemic: Evidence from Korean business groups” *International Review of Financial Analysis*, Volume 80, 2022, 102053, ISSN 1057-5219, <https://doi.org/10.1016/j.irfa.2022.102053>. (<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1057521922000291>)
9. Kazi Sohag, Tomas Klietnik, S.M. Riad Shams, Oleg Mariev, Natalia Davidson “Capital market deepening, Governor's characteristics and Russian regional enterprises: A big data analysis” *Journal of Business Research*, Volume 149, 2022, Pages 340-352, ISSN 0148-2963, <https://doi.org/10.1016/j.jbusres.2022.05.035>. (<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0148296322004702>)
10. Ran Chang, Angelica Gonzalez, Sergei Sarkissian, Jun T “Internal capital markets and predictability in complex ownership firms” *Journal of Corporate Finance*, Volume 74, 2022, 102219, ISSN 0929-1199, <https://doi.org/10.1016/j.jcorpfin.2022.102219>. (<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0929119922000621>)
11. Natee Amornsiripanitch “The real effects of municipal bond insurance market disruptions” *Journal of Corporate Finance*, Volume 75, 2022, 102240, ISSN 0929-1199, <https://doi.org/10.1016/j.jcorpfin.2022.102240>. (<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0929119922000839>)
12. Mukhamedov, F. "The role of stock market trading systems in world economy and financial globalization." *International Finance and Accounting* 2019.3 (2019): 16.
13. Elmirezayev, S. "Dividend Policy Analysis and Dividend Aristocrats in Developed Countries." *Scientific-electronic journal “International Finance and Accounting* 2 (2020).
14. Shavkatov N., Rakhmedova M., Bozorov U. ISSUES OF ATTRACTING THE PRIVATE SECTOR IN PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP THROUGH INFRASTRUCTURE BONDS // *International Finance and Accounting*. – 2021. – Т. 2021. – №. 1. – С. 23.
15. Karimov, A. I. "THE EXPERIENCE OF INVOLVING THE POPULATION'S FREE MONEY IN THE DEVELOPMENT OF THE SECURITIES MARKET." *International Finance and Accounting* 2020.6 (2020): 18.
16. Каримов А. И. Ў. АҲОЛИНИНГ БЎШ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИГА ЖАЛБ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ САМАРАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ // *Экономика и финансы (Узбекистан)*. – 2021. – №. 10 (146). – С. 35-40.
17. Жўрабекович, Қ. Ж., & Омонов, С. Ў. (2021). Халқаро IPO амалиётлари таҳлили: ташкилий хусусиятлари ва институционал инвесторлар иштироки. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (1 (137)), 53-61.
18. Karimovna, A. D. (2023). BANK INNOVATIONS AND THEIR IMPACT ON THE ECONOMY. *Open Access Repository*, 10(11), 44-50.
19. Ўзбекистон Республикасининг 12.09.2014 йилдаги ЎРҚ-375-сон «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги қонуни «Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 13 сентябрдаги 178 (6108)-сон
20. Ўзбекистон Республикасининг 03.06.2015 йилдаги ЎРҚ-387-сон «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонуни, «Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 4 июндаги 111 (6294)-сон
21. Каримов А. ФОНД БОЗОРИДАГИ АКЦИЯЛАР САВДОСИ ЖАРАЁНЛАРИДА МОЛИЯВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР // *Страховой рынок Узбекистана*. – 2023. – Т. 1. – №. 5. – С. 57-60.
22. ўғли Исмоилов Л. И., ўғли Каримов А. И. КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ОРҚАЛИ КАПИТАЛ БОЗОРИНИНГ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ // *Results of National Scientific Research International Journal*. – 2022. – Т. 1. – №. 6. – С. 155-170...